8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил 7 декабрь • № 49 (914)

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

***Ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Жамиятнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий тизимида ҳам тубдан ўзгаришлар юз бераётганислоҳотлар даврида Конституциянинг аҳамияти янада ошади. Фақат давр талабларига жавоб берадиган Асосий Қонунгина йирик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлиги учун зарур бўлган ривожланиш ва барқарорлик уйғунлигини таъминлаб бера олади.***

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ҳуқуқ тарихига жаҳон ҳамжамиятининг конституциявий дунёқарашида давлат тизимида чуқур сифат ўзгаришлари юз берган давр бўлиб кирди. Дунё янги конституциявий даврга қадам қўйди. Бу даврнинг хусусиятлари, биринчидан, давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳуқуқий жараёнлар интеграцияси ва ҳамкорлигининг кучайиши, ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконнинг шаклланиши, ягона халқаро меъёрлар, қоидалар ва андозаларга ўтилишида; иккинчидан, жаҳон конституциявий харитасидаги янги мустақил давлатлар конституцияларида намоён бўлди.

Янги шаклланган суверен давлатлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини конституциявий қайта қуриш ва ислоҳ қилиш муаммолари соф миллий доирадан чиқиб, ҳақиқатан ҳам умумбашарий тус олганидан далолат беради.

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб ҳақиқий суверенитетга эришиш мақсади эълон қилиниб, президентлик бошқарув шакли жорий этилгани, Мустақиллик тўғрисидаги декларация қабул қилингани, ўз Конституциямиз ишлаб чиқилгани билан фахрланамиз, албатта.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш, ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб олиш, янги жамият қуриш, янгиланиш ва тараққиётнинг ўз конституциявий моделини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаб, "Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ" деган эди.

Конституциямизнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"нинг беш тамойили ташкил этди:

биринчидан: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги;

иккинчидан: давлатнинг бош ислоҳотчилик роли;

учинчидан: қонун устуворлиги;

тўртинчидан: кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш;

бешинчидан: ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Ўзбекистоннинг конституциявий ҳуқуқи – бу Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топган конституциявий ғоялар ва концепциялар, конституциявий принциплар, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи соҳада амал қиладиган декларациялар, шартномалар, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг хужжатларидир. Конституциявий ҳуқуқнинг мазмуни ва манбаларига бундай ёндошиш ҳуқуқ ва қонунни аниқроқ фарқлаш, шунингдек ҳуқуқнинг етакчи тармоғини таркиблаштириш имконини беради.

Ўзбекистонда конституциявий шунослик тўрт унсурдан иборат бўлган ўзига хос ҳуқуқий янгиликдир. Бу ҳуқуқий ғоя ва концепциялар; конституциявий меъёр ва институтлар; конституциявий тартиб ҳамда конституциявий онг (ҳуқуқий онг сифатида).

**(Давоми 2-бетда).**



**Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.**

*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси).*

### *Конференция*

## КОГДА «СТРУНЫ» НУЖДАЮТСЯ В ПОМОЩИ

Не секрет, что залогом физического здоровья человека является крепкая нервная система. Надо признать и тот факт, что сохранить ее в условиях современных реалий сложно. Тончайшие сплетения, пронизывающие весь наш организм, все чаще дают сбой, что и способствует появлению различных нежелательных последствий.

Сегодня ученые всего мира активно работают над решением проблем в этом направлении, стремясь улучшить качество жизни своих пациентов. Этой теме с точки зрения актуальности вопросов неврологии была посвящена международная научно-практическая конференция, организованная Министерством здравоохранения совместно с Ташкентским институтом усовершенствования врачей и Общественным объединением неврологов Узбекистана.

Как отмечалось, сегодня неврологическая служба занимает одно из ведущих мест в системе охраны здоровья населения. В неврологической лечебно-консультативной помощи нуждаются не только чисто неврологические пациенты, но и многие больные с неврологическими проблемами на фоне ведущей соматической патологии. Благодаря созданной в нашей стране системе экстренной медицинской помощи и эта сфера медицины получила последовательное развитие, внедрены новые высокотехнологичные методы лечения многих заболеваний, в частности мозгового инсульта.

– Конференция, ставшая уже традиционной, является своеобразным обобщением результатов научной и практической деятельности врачей за год. Особое внимание специалистов сегодня приковано к таким неврологическим заболеваниям, как инсульт, хроническая ишемия мозга, болезнь Альцгеймера, которые распространены, к сожалению, не только среди взрослых, но и детей, – отметила заведующая кафедрой нервных болезней Ташкентского медицинского педиатрического института Екутхон Маджидова.

В нашей стране в последнее время также отмечается рост сердечно-сосудистых заболеваний, поэтому, по словам специалистов, необходимо проводить своевременный скрининг сонных артерий. Значительно "помолодел" инсульт. Хронический синдром мозговой недостаточности занимает в республике 85 процентов от всех инсультов.

На конференции также затронуты такие аспекты неврологии, как возрастная неврология, инфекционно-воспалительные и токсические поражения нервной системы, неотложные состояния в неврологии. Было подчеркнуто, что обсуждение не только проблем в этой области, но и совместный поиск путей их решения отечественными и зарубежными специалистами будет способствовать прогрессу медицинской науки, улучшению физического благополучия людей.

**Оксана КАДЫШЕВА.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига*

# ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Халқимизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, давлат мустақиллиги, демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига содиқлик акс этган Конституция керак эди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ғоя 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ илгари сурилган эди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Суверенитет тўғрисидаги декларациясида ушбу ҳужжат республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши таъкидланди. Ўша куниёқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида Конституциявий комиссияни тузди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди. Ушбу қоидалар давлатимиз раҳбари ифодалаб берган ғоя ва тамойилларни мустаҳкамлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси тайёрланиши ва қабул қилинишининг қуйидаги хусусиятларини таъкидлаш жоиз:

- Конституциянинг ғоя ва меъёрлари ўзбек халқининг чуқур тарихи негизларига асосланади, буюк аждодларимизнинг кўп асрлик тажрибаси ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий меросига таянади;
- Конституция ижобий ва илғор жаҳон конституциявий тажрибасини ҳисобга олган;
- бошқа демократик конституциялар каби халқаро андозаларга мос инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмига асосланган.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ барча ишлар Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Конституциявий комиссия иш бошлаши билан Юртбошимиз мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга раҳбарлик қилди. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида Осиё ва Европа, Африка ва Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганилди ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатлар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Юртбошимиз Асосий Қонунимиз лойиҳасига киритган аниқликлар, тузатишлар ва қўшимчаларнинг ҳаммаси жуда муҳим эди. Президент Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиши ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди, асосий эътиборни Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди. Лойиҳа биринчи марта эълон қилингунча тўрт марта, кейинчалик яна икки марта таҳрир қилинди. Президентимиз фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб, Олий Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани яна бир бор кўриб чиқди.

Шундай қилиб, Конституция лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан етти марта текшириб чиқилгандан кейин Олий Кенгаш сессиясига сўнгги муҳокама учун тақдим этилди.

Конституциявий комиссия раиси ҳимоя қилган нуқтаи назари кўп ойлик изланишларнинг давлат ва сиёсат соҳасида тўпланган, тажриба билан тасдиқланган натижаси бўлди. Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида ифодалаб берилди: "Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради". Ушбу асар Конституция лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

Ҳақиқатан ҳам Президент Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, рағбатлантирувчиси ва асосий муаллифидир.

"Дарҳақиқат, – деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таниқли профессор Л. Левитин, – Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқарадиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади".

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни асосан маъқуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. У 1992 йил сентябрь ойи охиридан декабрь бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ижодий кўтаринкилик руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Муҳокамада мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуот, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди, кўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституция лойиҳасига доир масалалар бўйича суҳбатлар, анжуманлар ташкил этилди.

Лойиҳа эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 га яқин хат келди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент – икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат иштирокчиларни фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарди. Бунинг натижасида умумхалқ фикр алмашуви янгича тус олди. Мазкур акциянинг маъноси шундан иборат эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантида Конституция лойиҳасини муҳокама қилишдаги ўз иштироклари натижасини кўра олдилар. Янги вариантда умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичида келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўз ифодасини топди. Фуқаролар Конституциявий комиссия томонидан уларнинг овози эшитилганлиги, таклифлари тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганлигига ишонч ҳосил қилди.

Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди.

Конституциявий комиссия хорижий конституциявий тажрибага мурожаат қилиб, Асосий Қонуннинг ролини яхлит тушунишдан келиб чиқди. Жаҳон конституциявий тажрибаси Ўзбекистон Конституциясида қуйидагилар орқали ҳисобга олинди:

биринчидан, республика бошқарув шакли орқали – бевосита халқ бошқарувининг шаклларидан бири сифатида;

иккинчидан, конституциявий тартибга солишнинг классик принциплари – ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлик, Конституциянинг барқарорлиги орқали;

учинчидан, Конституция матнини муқаддима ва бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича тақсимлаш ҳамда уларни мантиқий жойлаштириш;

тўртинчидан, мазмунининг қисқалиги – реал давлат ва ижтимоий ҳаётни чеклаб қўядиган ортиқча қоидаларга йўл қўймаслик мақсадида, Конституцияда келажакда қабул қилинадиган қонунларга оид ҳаволалар йўқлиги ҳам шу мақсад билан боғлиқ;

бешинчидан, мафкуралаштиришдан воз кечиш, яъни бир мафкура ҳукмронлигидан воз кечиш; фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги;

олтинчидан, конституциявий кафолатлар – Конституция устуворлиги, Конституциявий суд тузилиши, Асосий Қонунга ўзгартиш киритишнинг алоҳида тартиби.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш ҳамда жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Ислом Каримов сессияда Конституцияни "Халқчил Қомус" деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганлиги, сайқал топганлигини таъкидлади.

Сессияда Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди.

Давлатимиз раҳбари Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этган барча фуқароларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама ва қабул қилиш жараёни Ислом Каримовнинг "Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома" бўлганлиги, у "халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини" акс эттириши, "халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули" эканлиги ҳақидаги хулосаси тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг конституциявий модели мамлакат ривожланишида ягона бўлиб, амалда ўз ифодасини топмоқда.

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор.**

*Матбуот анжумани*

# КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

***Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифалар, эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатлари" мавзусида навбатдаги матбуот анжумани ташкил этилди.***

– Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга бағишланган дастурлар ўз ижобий натижаларини бераётир, – таъкидлаб ўтди кириш сўзида соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров. – Айниқса давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури изчил татбиқ этилаётгани бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтарди. Қувонарлиси, мамлакатимиз "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлашда катта ғамхўрлик кўрсатилаётган етакчи ўнта давлат қаторига киритилди.

Тадбир давомида мамлакатимизда аҳолининг саломатлик кўрсаткичларига тўхталинар экан, бу борада айрим мулоҳазали нуқталар, жумладан, эрта турмушнинг салбий оқибатлари хусусида ҳам фикр алмашилди.

– Албатта, кейинги пайтда аҳолининг тиббий саводхонлиги янада ошиб бораётир. Аммо никоҳ масаласига келганда, афсуски, ҳар доим ҳам табиат қонунларига риоя этилмаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу эса биринчи навбатда фарзандлар туғма ёки ирсий касаллик билан туғилишига олиб келади, – деди Тошкент шаҳар 2-туғруқ мажмуаси бош шифокори Зуҳра Нажимова.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, фарзанд соғлом туғилиб, ақлан ва жисмонан комил инсон бўлиб вояга етиши учун авваламбор ота-она соғлом бўлиши лозим. Шу мақсадда мамлакатимизда турмуш қураётган шахслар никоҳдан олдин тиббий кўрикдан мажбурий ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг замирида болалар соғлом туғилиб, улғайиши, оилалар мустаҳкамлиги, келажак истиқболи ётади.

**Диёра БОЗОРОВА.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**




# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

## *Улардан унумли ва оқилона фойдаланиш – бугунги кун талабидир*

***Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги ишлар жадаллик билан давом эттирилиб, аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ошиб бормоқда. Шуни айтиш муҳимки, касалликни тўғри ташҳислаш, қолаверса, даволаш-муолажа жараёнлари юқори технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда.***



Маълумки, икки йил аввал "Саломатлик-1, 2" лойиҳаларини янада ривожлантириш мақсадида "Тиббий асбоб-ускуналарнинг техник хизмати ва қайта таъмирлаш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси жорий этила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги 1144-Қарорига асосан Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинларидаги тиббий асбоб-ускуналар техник хизматини такомиллаштириш бўйича эксперимент лойиҳасини амалга ошириш юзасидан соғлиқни сақлаш вазири буйруғи ишлаб чиқилди. Асосий мақсад ҚВПларга "Саломатлик-2" доирасида тақдим этилган тиббий жиҳозлардан самарали фойдаланиш, улар доимо иш ҳолатида бўлишини таъминлаш ва техник хизмат кўрсатилишини тўғри ташкил этиш йўналишида ҚВП мудирлари ва молия менежерларининг билим ҳамда кўникмаларини оширишга қаратилди.

2010 йилнинг ноябрь ойида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг "Клиник лаборатор диагностика" ҳамда "Умумий амалиёт шифокори малакасини ошириш" кафедралари ўқитувчиларини жалб этган ҳолда эксперимент тариқасида олинган шаҳар ва вилоятларнинг вакиллари учун илк марта "Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуналарни самарали ишлатиш ва уларнинг техник хизматини тўғри ташкил этиш" мавзусида икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. Семинар давомида иштирокчилар услубий қўлланмалар, техника хавфсизлиги қоидалари, тиббий жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш бўйича тавсиялар, лаборатория, ташҳислаш ва стерилизациялаш ускуналаридан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш борасидаги йўл-йўриқлар билан таъминланди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган низом бўйича Тошкент шаҳри,



Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва Андижон вилоятларида ташкил этилган тегишли хизматлар амалда ўз ифодасини топмоқда. Ушбу тузилмалар вазирлик буйруғи асосида ўз жойига, автомашина, асбоб-ускуналар ҳамда малакали кадрлар, услубий қўлланмалар билан тўлиқ таъминланди ва бугунги кунда бирламчи соғлиқни сақлаш бўғини муассасалари (ҚВПлар) билан йиллик шартнома асосида фаолият олиб бормоқда.

"Бирламчи соғлиқни сақлаш бўғини муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуналарнинг техник хизмати тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси кенг жорий этилгани аппаратуралар узоқ йиллар хизмат қилиши таъминланиб, ўз ўрнида иқтисодиётимизга катта фойда ҳам келтиради.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг Кардиохирургия мажмуасига ташриф буюриб, шарт-шароитлар билан танишар экан, замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялар моҳиятига алоҳида эътибор қаратди, фаолиятда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўрнатишда уларнинг имконияти ва замонавийлигини инобатга олиш, бу борада алоҳида хизматлар ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Ҳар биримиз ушбу фикрлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда давлат маблағларини манзилли йўналтириб, оқилона фойдаланишимиз лозим.

**Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва Андижон вилоятларида бу борадаги ишлар ўз маҳсулини бераётган экан, лойиҳани республика миқёсида татбиқ этишимиз муҳим деб биламан. Шу билан бирга айни пайтда Фарғона вилоятида мазкур йўналишда олиб борилаётган фаолиятни кенг оммага тарғиб қилишни лозим топдик.**

**Дилафруз ОРТИҚОВА,**
**«Саломатлик-3» лойиҳаси маслаҳатчиси.**

**(Давоми 4-бетда).**




# БИРДЕК МАСЪУЛ БЎЛИШИМИЗ ЛОЗИМ

***Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-1”, “Саломатлик-2” ва “Саломатлик-3” лойиҳаларининг ҳамкорликдаги фаолияти эзгу мақсадларга қаратилган бўлиб, ўз самарасини бермоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, “Саломатлик-1, 2” лойиҳалари бирламчи тизимда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширди.***

Ушбу лойиҳалар доирасида жорий этилган замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг афзалликлари аҳолимизга ҳар томонлама қулайлик яратди. Эндиликда “Саломатлик-3” лойиҳаси ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад – шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги оилавий ҳамда





кўп тармоқли марказий поликлиникаларни юқори технологиялар билан жиҳозлаш, кадрларни узлуксиз таълим билан қамраб олиш, бунинг баробарида бирламчи йўналишда, яъни мавжуд қишлоқ врачлик пунктларига тиббий техник хизмат кўрсатишдир.

Шу ўринда айтиш лозимки, юқорида тилга олинган тиббиёт муассасалари инвестиция дастури асосида капитал таъмирдан чиқарилиб, “Саломатлик-3” лойиҳаси асосида келиши кутилаётган замонавий аппаратураларга тайёрлаб қўйилди. Бундан ташқари, мутахассислар лойиҳа доирасида ўн ойлик ўқув курсларида таҳсил олмоқда.

Ҳамжиҳатликдаги бу ишлар замирида, шубҳасиз, инсон саломатлиги муҳофазаси ётади. Давлатимиз ғамхўрлиги остида тиббиёт тизимида кенг татбиқ этилаётган хорижий технологиялар касалликларга тўғри ташҳис қўйиш, жарроҳлик ва бошқа муолажаларни сифатли ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, биз нима учун замонавий технологияларга урғу бердик? Инсон соғлигини тиклашда хизмат қилаётган сўнгги русумдаги асбоб-ускуналарга мутасадди раҳбарларнинг эътибори қандай бўлаяпти?

Ҳозирда кўплаб тиббиёт муассасаларида тиббий техник хизмати ташкил этилган бўлиб, тажрибали мутахассислар томонидан асбоб-ускуналар вақтида кўрикдан ўтказилмоқда, зарурат туғилганда, созланиб, тузатилмоқда. Айтиш жоизки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 94-буйруғига асосан “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида тиббиёт муассасалари тасарруфида тиббий техник хизматини жорий этиш алоҳида тилга олинган. Бугунги кунда айрим вилоятлар шифо масканларида бундай хизматлар ташкил этилиб, ўз фаолиятини йўлга қўйган.

Шуни таъкидлаш муҳимки, ушбу хизмат бирламчи тиббий бўғиндаги қишлоқ врачлик пунктлари тиббий асбоб-ускуналарини профилактика қилиш ва тузатишга йўналтирилган.

Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатувчи бўлим ташкил этилган. Бир ярим йилдан буён фаолият олиб бораётган ушбу бўлим томонидан вилоятдаги 293 та қишлоқ врачлик пунктларидаги мавжуд асбоб-ускуналар профилактика ҳамда назорат қилиниши билан бир қаторда, техник ёрдам ҳам кўрсатиб келинмоқда.

**Амалдаги фаолиятга ойдинлик киритиш мақсадида Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Ҳусан Мамажонов билан суҳбатда бўлдик.**

*– Ушбу бўлим Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 94-ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруқлари асосида ташкил этилди. Албатта, бу осон бўлмади. Биринчи навбатда маблағ ҳамда кадрлар масаласини ҳал этиш, шунингдек ускуна-ашёлар ва автомобиллар билан таъминлаш олдимизда турган асосий вазифалардан эди.*

*Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Саломатлик-3” лойиҳаси ҳамкорлигида иш бошладик. Маблағ асосан шифохона бюджетидан ажратилиб, хоналар керакли жиҳозлар билан таъминланди. Вазирлик ва “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан иккита “Дамас” автомобили, мажмуавий техник ёрдам кўрсатувчи ускуна-ашёлар, услубий қўлланма ва андозалар ажратилди. Вилоят бўйича мавжуд 293 та қишлоқ врачлик пунктлари билан бир йиллик шартномалар тузилди. Бундан кўзланган асосий мақсад – асбоб-ускуналарга ўз жойида техник ёрдам кўрсатиш ҳамда профилактика ишларини олиб боришдир.*

*Ўтган давр мобайнида бўлим кадрлари лойиҳа доирасида ҳамда вилоятдаги тажрибали мутахассислар кўмагида ўз малакасини оширди. Шунингдек, амалдаги ускуналар инвентаризация қилинди. Демак, бу йўналишда асосий тизим ва унинг механизмлари яратилди десам, хато бўлмайди. Бунинг натижасида давлат маблағларини тежашга эришилмоқда.*

*Бўлим ўз низоми асосида фаолият юритади. Самарали натижаларга қараганда, бундай тиббий техник хизматнинг аудиторияси кенгайиб, бирламчи тизимдан иккиламчи (туман тиббиёт бирлашмалари ва унинг тасарруфидаги тиббиёт муассасалари) ҳамда учламчи (вилоят миқёсидаги шифо масканлари) тизимларга ҳам ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлади.*

*Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу йўналишдаги фаолиятнинг натижаси аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юқори даражага кўтаришдан иборат. Демак, тиббий асбоб-ускуналар вақтида техник назорат ва профилактика қилиб борилса, ишдаги самарадорлик ўз маҳсулини албатта беради.*

*Хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатувчи бўлим фаолиятини янада яхшилаш мақсадида тиббиёт муассасаларида тушунтириш ишларини олиб боришимиз муҳим. Чунки шифо масканидаги ҳар бир тиббий жиҳоз учун мутасадди раҳбардан тортиб, ходимларгача бирдек масъул бўлишлари лозим.*

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

***Бош шифокор фикрларига қараганда, мазкур йўналишдаги ишлар изчиллик билан бошлаб юборилган ва бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини амалда кўриш ниятида Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатувчи бўлими бошлиғи Рустам Аъзамов билан суҳбатимизни давом эттирдик.***

**– Бўлим фаолияти асосан қандай мақсадларга йўналтирилган?**

– Аввало айтиш жоизки, ушбу бўлим ташкил қилинишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-3», Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ходимларининг ҳиссаси катта бўлди.

Бўлим фаолияти асосан бирламчи тиббий тизимдаги 293 та қишлоқ врачлик пунктида жорий этилган замонавий асбоб-ускуналарни тузатиш, техник ёрдам кўрсатиш, уларни вақти-вақти билан профилактик назоратдан ўтказишга қаратилган.

**– Бўлим иши самарали кечишида кадрлар ўрни ва таъминоти қай даражада?**

– Ҳар қандай муваффақиятнинг калити биринчи галда малакали мутахассисларнинг касб маҳорати, билим тажрибасига боғлиқ, деб биламан. Шундай экан, айни пайтда бўлимда уч нафар тиббий муҳандис, икки нафар ҳайдовчи ва ҳисобчи меҳнат қилмоқда. Икки нафар ходимимиз Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида хитойлик мутахассислар томонидан УЗИ ва сунъий нафас олиш ускуналарини тузатиш бўйича ўқитилди. Бундан ташқари, ходимларимиз вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ташкил этилган ўқув курсларида иштирок этди. Яна бир муҳандисимиз Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида реанимация ускуналари бўйича бир ой давомида малакасини оширди. 293 та қишлоқ врачлик пунктлари билан бир йиллик, аниқроғи 350 минг сўмлик шартнома имзоланган.





Ишимизни тўғри йўлга қўйиш мақсадида режа ишлаб чиқилди. Мутахассисларимиз ҳар чоракда қишлоқ врачлик пунктларидаги асбоб-ускуналарни профилактика назоратидан ўтказиб, тегишли маслаҳат ва тавсияларни бермоқда. Агар техник жиҳатдан носоз аппаратуралар бўлса, ўша ернинг ўзида тузатиш ишлари олиб борилади.

Шу ўринда айтиш жоизки,

(Давоми. Боши 3-бетда).

(Давоми 5-бетда).

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП




«Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида ажратилган 2 та «Дамас» автомашинаси, ашё-ускуналар иш жараёни самарали кечишида катта ёрдам бўлмоқда. Шу билан бирга олтита грант бўйича берилган аппаратураларга тиббий техник хизмат кўрсатиш учун кадрлар малакасини хорижий мамлакатларда оширишни таъминлаш, носоз ҳолга келган технологияларга юқори сифатли асбоб-ускуналар сотиб олиш муҳим. Мутахассисга етарли шароит яратилсагина, хизмат кўрсатиш доираси янада кенгаяди.

– **Фикрларингизга қараганда, техник хизмат кўрсатиш бўйича талаблар барча ҚВПларда бирдек қамраб олинмаган. Бунинг сабаби нимада?**

– Бўлим фаолият бошлаши билан ҚВПларда бўлиб, тиббий техник хизматнинг афзалликларини тушунтириб бордик. Аксарият раҳбарлар ҳанузгача чуқур тушунчага эга бўла олмаяпти. Уларнинг ўз ишига эътиборсизлиги кузатилмоқда, шунингдек, давлат мулкини асраб-авайламаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди.

– **Қишлоқ врачлик пунктларида тиббий асбоб-ускуналар билан ишлаётган тиббиёт ходимларининг билим даражаси етарлими?**

– Кейинги йилларда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, узлуксиз таълим жараёнлари мунтазам тарзда олиб борилиши ёш мутахассисларимизнинг билим доираси кенгайишига, улар юқори технологияларда эркин ишлашига замин бўлмоқда. ҚВП шифокор ва ҳамширалари «Саломатлик-1, 2» лойиҳалари бўйича берилган аппаратураларда бемалол ишлаш имкониятига эга. Лекин айрим ҳолларда уларнинг эътиборсизлиги туфайли нохуш вазиятлар ҳам юзага келмоқда. Бунинг учун мутахассислар асбоб-ускуналарни ишлатишдан аввал муҳим меъёрий ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда иш юритишлари муҳим. Қолаверса, мазкур йўналиш узлуксиз таълим жараёнларида давом эттирилса, бунинг баробарида мутахассис ўз устида мукаммал ишласа, натижа мақсадга мувофиқ бўлади.

# ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАНДА...





**Яхё МЕЛИҚЎЗИЕВ,
Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатиш бўлими ходими:**

– Фарғона тиббиёт коллежининг тиббий техниклар тайёрлаш факультетини тугатгач, Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасида фаолият бошладим. Бир ярим йил бўлибдики, Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатиш бўлими ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги қишлоқ врачлик пунктларида аҳоли саломатлиги йўлида ишлатилаётган тиббий асбоб-ускуналарини созлаш ва таъмирлаш ишлари билан машғулман.

Тиббиёт муассасаларига кўрсатаётган хизматимиз ўз самарасини бериб, давлат бюджетига катта фойда келтираётганидан, албатта, мамнунмиз. Қишлоқ врачлик пунктларидаги асбоб-ускуналар ўз вақтида назорат қилиниши ҳамда бу борада тиббиёт ходимларига бераётган тавсияларимиз иш унумдорлигини янада оширмоқда. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, ҳар бир шифокор ва ҳамшира ўзига бириктирилган аппаратларда мукаммал ишлай олиши учун махсус ўқув курсларида малакасини ошириши зарур. Кўплаб ҚВП ва айрим тиббиёт муассасаларида бўлганимизда, тиббий жиҳозлар раҳбарият ҳамда ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолганига гувоҳ бўлдик. Агар бу борадаги назорат ва жавобгарлик ҳисси кучли бўлса эди, бундай ҳолатларга дуч келмасдик.



Тиббий асбоб-ускуналарнинг техник хизмати ва таъмирлаш тизимини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази реанимация бўлимида ишлатиладиган юқори технологияли аппаратларни созлаш бўйича бир ойлик, шунингдек “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида махсус ўқув курсларида кўникмаларимни оширдим. Бугунги кунда ишлашимиз учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Агарда ушбу тизим моҳиятини вилоятдаги бирламчи соғлиқни сақлаш бўғини ҳамда барча тиббиёт муассасалари мутасадди раҳбарлари тўғри тушуниб, биз билан ҳамкорликда иш олиб борсалар, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу борадаги буйруқлари ижроси таъминланади, демакки, юксак самараларга эришамиз.

**(Давоми. Боши 3-4-бетларда).**

**Хуршид ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатиш бўлими ходими:**

– Дарҳақиқат, самарали ишлаш учун бўлимда кенг имкониятлар яратилган. Вилоят ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктларидаги тиббий асбоб-ускуналар созлигини таъминлаш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида ишимизни бир тизимда олиб боришга ҳаракат қиламиз.

Махсус бригадалар билан биргаликда ҳар чоракда бир маротаба тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатамиз. Бундан ташқари, носоз ҳолга келган ускуналарни таъмирдан чиқариб берамиз. Режамизга кирган қишлоқ врачлик пунктларидаги аппаратлар кўригини йил давомида тузилган шартнома асосида амалга оширамиз. ҚВПлардаги ФЭК, ЭКГ, автоклав, лаборатория жамламалари, доплер ва бир қанча бошқа асбоб-ускуналарни техник назоратдан ўтказганимизда, айрим камчиликлар аниқланди. Айтмоқчиманки, агарда ушбу камчиликлар юзасидан масъул шахслар томонидан ўз вақтида бизга хабар қилинса, ишлар самарадорлигига зарар етмайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йилдаги 94-буйруғи Низомида техник хизмат кўрсатиш бўлимининг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, зиммамизга соғлиқни сақлаш тиббиёт муассаслари ва бирламчи бўғин муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуналар техник хизмати, таъмирлаш ишлари ва метрология назоратини олиб бориш юклатилган.

Бўлим техник ходимлари таъмирлаш ишларини ҳам олиб бормоқда. Лекин метрология хизмати махсус стандартлаштириш муассасаси томонидан амалга оширилмоқда. Масалан, бирон-бир ҚВПда автоклав ўлчов воситаси носоз ҳолга келган бўлса (метрологик), масъул шахс уни ечиб олиб, давлат стандарти назоратидан ўтказади, лекин таъмирлаш ишларини амалга оширмайди. Шу тариқа ушбу аппаратура бир неча ой яроқсиз ҳолатда қолиб кетиши мумкин. Агарда бундай ваколат бизга топширилса, ўша ернинг ўзида таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, керакли тавсиялар берилади.

Мутахассислигим тиббиёт асбоблари ва ўлчов тизимлари муҳандислиги. Демоқчиманки, метрологик жиҳатдан махсус ускуналарга жиддий эътибор қаратилса, техник хавфсизлик қоидаларига ҳам риоя қилиниши таъминланади. ҚВПлар электр қувватидан огоҳлантиришсиз ўчириб қўйилиши ҳам аппаратлар бузилишига олиб келмоқда.

Носоз ҳолга келган аппаратларга зарурий қисмларни топиш ҳам мушкул бўлмоқда. Турли манзиллардан келтирилаётган замонавий аппаратлар ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик йўлга қўйилса, фойдадан ҳоли эмас.

Тошкент Давлат техника университети тиббиёт асбоблари ва ўлчов тизимлари факультетини тугатиб, икки йил магистратурада таҳсил олиш давомида Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази тиббий асбоб-ускуналарнинг техник хизмати, таъмирлаш ишлари ва метрологик назорат қилиш бўлимида касбий маҳоратимни оширдим. Олган тажриба ва билимларим фаолиятимда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**(Давоми 6-бетда).**




# ТЕХНИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ИШНИНГ УНУМДОРЛИК КАФОЛАТИ

***Давлатимиз томонидан қишлоқ аҳолиси учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятларнинг амалдаги ифодасини кўриш мақсадида Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Турват» қишлоқ врачлик пунктида бўлдик. Муассасада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Давлат дастурига биноан бирламчи тиббиёт бўғинини ривожлантириш, унинг моддий-техник негизини бойитиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. ҚВП фаолияти билан танишиш чоғида Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатувчи бўлими ходимлари ҳам шу ерда эканлиги эътиборимизни тортди.***

*– Хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатувчи бўлим ходимлари билан йил бошидан шартнома тузганмиз. Унга асосан ушбу бўлим муҳандислари ҳар чоракда ҚВПга келиб, тиббий асбоб-ускуналарнинг умумий ҳолати, техник созлигини назорат қилиб, камчилиги бор технологияларни шу жойнинг ўзида тузатиб берадилар,* – **дейди биз билан суҳбатда “Турват” ҚВП мудири Ўткирбек Ҳакимов.** *– Бу жуда муҳим. Ишнинг сифат-самарадорлиги, албатта,*



*технологияларнинг замонавий талабга жавоб бериши билан чамбарчас боғлиқ. ҚВПдаги ҳар бир ходимдан тиббий асбоб-ускуналарга нисбатан эътиборли ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш талаб қилинади. Бунинг боиси шундаки, текширувларни ушбу асбоб-ускуналарсиз амалга ошириб бўлмайди. “Саломатлик-2” лойиҳаси асосида тўлиқ жиҳозланган муассасамиз имкониятларидан бугун 7,5 мингга яқин аҳоли унумли фойдаланиб келмоқда. Хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатувчи бўлим ходимлари билан тузилган ҳамкорлик доирасида кўплаб ижобий натижаларга эришмоқдамиз. Биринчи навбатда тиббий технологияларнинг ишлаш тартиби ва умумий ҳолати кўздан кечирилади, муаммолар бартараф этилади, иккинчидан, ушбу асбоб-ускуналардан фойдаланувчи ходимларга тушунтириш бериб ўтилади. Билмаганлари ўргатилади. Замон талабига айланган техникани мукаммал билиш, ундан тўғри ва мақсад йўлида фойдаланиш ҳар биримизнинг олдимиздаги масъулиятдир.*

“Турват” ҚВПнинг аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида амалга ошираётган ишлари билан ҳам қизиқдик. Муассасанинг кираверишда қисмида жойлашган картотека хонаси халқаро андозаларга жавоб бериши ва жиҳозланиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Энг муҳими, ҳар бир фуқаронинг тиббий картаси махсус тартиб асосида сақланади.

**Бу ҳақда картотека ҳамшираси Муҳаббат Орзиева шундай дейди:**

*– Халқаро тажриба ва умуммиллий талабларга мувофиқ фуқароларнинг тиббий картаси оилалар жамланмаси тартибида жойлаштирилган. Чунки мурожаат қилувчи бемор бевосита оила аъзолари жамланган папка орқали ўз картасини топиш имкониятига эга. Бу оддий ва тезкор қулайлик усулидир. Фахр билан айтиш мумкинки, бугунги кунда ҚВПларнинг шаҳар марказларидаги шифохоналардан асло фарқи йўқ. Барчаси янги технология ва тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Энг асосийси, фуқароларимизнинг тиббий маданияти юксалиб, тиббиётга бўлган ишончи ҳам ортаётир.*

**ҚВПнинг автоклав ҳамшираси Гулчеҳра Холибоевани доимгидек иш устида учратдик.**

*– Ҳозиргина хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатувчи бўлим ходимлари автоклав аппаратини кўрувдан ўтказишди. Умумий ҳолати меъёрида эканлигини билиб, ишни сусайтирмасдан давом эттираяпман. Халқимизда “касални даволамай, унинг олдини олган афзал”, деган нақл бор. Бу фикр, назаримда, техника воситаларига ҳам тўғри келади. Муҳандислардан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Баъзан биз эътибор қилмайдиган ҳолатлар кейинчалик жиддий хатога олиб келиши, шу сабабли доим асбоб-ускуналарга нисбатан ҳушёррoқ бўлиш лозимлигини англаб етдим. Кўп йиллик тажрибага эга бўлишимга қарамай, ҳозирги технологиялар ҳар куни, соат сайин изланишни, нимадир янги нарса ўрганишни талаб этар экан. Фурсатни бой бермай, бор имкониятлар доирасида турли ўқув курсларида малака ошириб, ўз билимимни бойитиб келмоқдаман.*

**Умумий амалиёт шифокори Ҳамида Орипова ҳам тиббий техникларнинг фаолиятидан мамнунлигини баён этди:**

*– Ҳақиқатан ҳам баъзида биз оддий деб билган айрим нарсалар келажакда катта муаммоларни келтириб чиқарар экан. Иш жараёнида кўп қўлланиладиган тонометр ускунаси ичидаги ўлчов бирлиги қисқа муддатда ишламай қолди. Аҳамият бермаган ҳолда касалликка ташҳис қўйишда янглишмовчиликлар юз берди. Дарров тиббий техник кўрсатувчи ходимлар меҳнатига зарурат сезилди. Уларнинг кўмагида тонометрнинг тўғри ишлаш меъёри тикланди. Демак, ҳар қандай соҳада ҳам техник хавфсизликни таъминлаш зарур экан.*

*“Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида тақдим этилган барча тиббий асбоб-ускуналар доимий назоратда. Сақлаш ҳолатидан тортиб, ишлаш тартибигача бўлган жараён мунтазам кузатув остида. Муҳандислар назоратида эканлиги ҳам ишончимизни орттиради.*

*Албатта, иш бор жойда муаммо ҳам бўлади. ҚВП ходимлари фаолиятида дуч келадиган камчиликларни бартараф этишда бир жамоа бўлиб ҳаракат қилади. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланадилар. Чунки шароитлар қанча кенг бўлса, ютуқлар кўлами шунчалик кенгаяверади.*

**“Турват” ҚВП мудири Ўткирбек Ҳакимовнинг сўзларига қараганда,** тиббий асбоб-ускуналарнинг техник хавфсизлигини таъминлаш – бу бирламчи устувор вазифа. Лабораториядан тортиб, барча хоналардаги кўрик ва текширув тадбирлари сифат-самарадорликка хизмат қилади. Технологияларда бирор жиддий ўзгариш кузатилдими, албатта белгиланган шартномага мувофиқ хўжалик ҳисобидаги тиббий техник хизмат кўрсатувчи бўлим ходимларига мурожаат қилинади. Уларнинг амалий кўмаги билан муаммолар бартараф этилади. Ана шундагина биз айтмоқчи бўлган олий мақсад – фаолият сифат-самарадорлиги ошган бўлади.



**Саломат ХЎЖАЕВА, уй бекаси:**

*– Анча йиллардан буён қон босими касаллиги безовта қилади. Олдинлари узоқ йўл босиб, туман шифохонасида даволанар эдим. Эндиликда «Турват» қишлоқ врачлик пунктининг кундузги стационарида даво муолажаларимни давом эттириб келмоқдаман. Ҳатто касалим кечқурунлари хуруж қилиб қолганда, қишлоқ врачлик пункти шифокорларини чақирамиз ва улар дарҳол етиб келишади. Айниқса шифо масканида ишлаётган барча тиббиёт ходимларининг илиқ муомаласи ва меҳрибонлиги дардимизга даво бўлмоқда.*







(Давоми. Боши 3-5-бетларда).

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.
Ижрочи директор Ж. ЖАБРИЕВ.
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 3-қават.
Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.
268-25-39 (факс).
E-mail:office@jpib.uz
Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.

*Шаги реформ*

# НОВЫЙ ЭТАП РАЗВИТИЯ ПАТОЛОГОАНАТОМИИ УЗБЕКИСТАНА

***Как уже сообщалось, в Ташкенте прошел третий съезд патологоанатомов республики, на котором обсуждались актуальные вопросы этой особой сферы медицины, объединяющей все ее направления в плане как науки, так и практики.***

***В Узбекистане заложена фундаментальная база патологической анатомии, вместе с тем за последние годы созданы все необходимые условия и возможности для активного внедрения в практическую медицину как специальной службы с целью повышения уровня медицинского обслуживания. В целом, за прошедшие десять лет (со времени второго съезда патологоанатомов) в этой области накоплен достаточный опыт, что и стало основой для созыва очередного представительного форума. Для участия в работе съезда, проходившего в течение двух дней, были приглашены ведущие ученые из многих стран, представители ряда международных организаций.***



**Малика АБДУЛЛАХОДЖАЕВА, Герой Узбекистана, директор Республиканского патологоанатомического центра:**

– В нашей стране особое внимание уделяется развитию медицинской системы – одного из важных факторов, определяющих мощь и богатство государства. В Узбекистане под руководством главы государства сформирована качественно новая, отвечающая самым высоким требованиям развитая сеть медицинских учреждений, вобравшая первичные медицинские, республиканские и областные центры экстренной медицинской помощи.

Сегодня уровень развития национальной медицины можно увидеть на примере Республиканского патологоанатомического центра со специализированными отделениями во всех регионах республики, что позволило повысить уровень медицинского обслуживания и в данном направлении сферы.

Патологическая анатомия относится к числу важнейших фундаментальных медицинских наук, так как является одной из ключевых дисциплин в медицинских вузах при подготовке будущих врачей различных специальностей. Кроме того, патологическая анатомия – основа патологоанатомической службы – важнейшего раздела здравоохранения, призванного проводить экспертизу врачебной деятельности в целях повышения их квалификации.

Первые исследования в этой области в нашей стране тесно связаны с именем Авиценны, который, несмотря на религиозные запреты, уделял большое внимание патологоанатомии различных болезней. Великий ученый и врачеватель сам производил вскрытия, чтобы глубже познать сущность различных заболеваний и разработать эффективные меры профилактики и лечения.

В дореволюционном Узбекистане такая практика проводилась в начале XX века лишь в неясных случаях в военных госпиталях и членами экспедиции по изучению лейшманиоза, т.е. патологоанатомической службы как таковой не было.

Важную роль в становлении патологоанатомической службы в Узбекистане сыграла организация в 1919 году Высшей медицинской школы, которая вошла как второй курс в медицинский факультет Туркестанского государственного университета, созданного в 1920 году. Открылись кафедры патологической анатомии в Самарканде, Андижане, Ургенче, Бухаре, Фергане, Нукусе.

В настоящее время патологическая анатомия занимает достойное место в системе здравоохранения нашей страны. Создан Республиканский патологоанатомический центр (РПАЦ). И таким образом проведена централизация сферы с организацией бюро во всех областных центрах республики, межрайонных и районных управлений, отделений клиник мединститутов и НИИ. Соответственно начала действовать вертикальная структура патологоанатомической службы.

На смену единичным врачам-патологоанатомам пришел большой отряд подготовленных молодых специалистов. Патологоанатомические отделения оснащены современным оборудованием, в том числе телемедицинской системой. В этом несомненная заслуга профессоров Г. Терехова, А. Магрупова, Р. Даниловой, Т. Сирота, В. Алимова, П. Тулаганова, О. Азизовой, Н. Александрова.

В XX веке в сфере патологической анатомии были достигнуты большие успехи. И сегодня отряд патологоанатомов республики пополнился молодыми врачами, которые также успешно внедряют новые технологии.

Расширились научные связи патологической анатомии Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями. Наш центр активно сотрудничает с ВОЗ, ПРООН, Международной лигой врачей, Международной ассоциацией патологоанатомов СНГ, Международной академией патологии, Базельским университетом, Российской медицинской академией имени Сеченова, многими другими медицинскими объединениями и вузами.

Улучшилась материально-техническая база. Республиканский патологоанатомический центр ныне расположен в новом здании. Отделения службы оснащены современными микроскопами в составе телемедицинской системы макро- и микроскопии. Это свидетельствует о том, что наличие необходимой материально-технической и кадровой базы, отвечающей требованиям времени, дает возможность поднять патологоанатомическую службу еще на более высокий уровень.

Залогом прогресса человечества являются образованность и знания в области информационно-коммуникационных технологий. Хорошо организованная телемедицинская система макро и микроскопии (ТСММ), четко организованный обмен информацией – все это способствует повышению качества диагностики и лечения, а значит, улучшению медицинской помощи населению.



Передача фундаментальной диагностической информации, к которой относится телепатология, является важным разделом телемедицины, внедрение которой в патологоанатомическую службу началось в Узбекистане в 2002 году. В соответствии с Указом руководства страны от 30 мая 2002 года "О дальнейшем развитии компьютеризации и коммуникационных технологий" и Программой развития компьютеризации и информационно-коммуникацонных технологий на 2002-2010 годы, утвержденной постановлением правительства от 6 июня 2002 года в Республиканском патологоанатомическом центре (РПАЦ) организована специализированная научно-техническая лаборатория "Телемедицинская система макро- и микроскопии", предназначенная для получения высококачественных микроскопических изображений с передачей их на монитор компьютера и сохранения на различных носителях, обработки и передачи полученных изображений по линиям связи для телеконсультаций при наличии высокоскоростной связи Интернет.

Доступ в учреждения здравоохранения для многих жителей отдаленных регионов, особенно на селе, означает преодоление больших расстояний между их домом и необходимым лечебным учреждением. Большие расстояния наблюдаются также между госпиталями различного уровня. Крупные транспортные расходы, которые должны понести пациенты, добираясь до соответствующего лечебного учреждения, могут быть жизнеограничивающим фактором. В связи с этим своевременная квалифицированная диагностика заболевания с использованием ИКТ может стать важным фактором для определения правильной организации медицинской помощи.

Внедрение ИКТ в здравоохранение позволило обеспечить непрерывное обучение специалистов, ведутся квалифицированные телеконсультации между врачами, врачами и пациентами, врачами и администрацией здравоохранения; архивирование результатов консультаций биопсий и других медицинских данных, которые впоследствии могут быть использованы для дистанционного обучения врачей.

В связи с дефицитом врачей-патологоанатомов все оперативно удаленные органы и ткани, а также биопсии везут в областные патологоанатомические бюро, что требует дополнительных транспортных и командировочных расходов особенно для врачей, выезжающих на места. Такая схема функционирования способствует задержке диагностики, необходимой для определения метода лечения. Накопленный опыт РПАЦ в области телепатологии показал, что, во-первых, передача изображения и снимков происходит в реальном времени, несмотря на расстояние, во-вторых, процент расхождения между диагнозом врача, направившего информацию врачу-консультанту РПАЦ, составляет 32 процента, что свидетельствует об улучшении диагностики опухолей.

В реализации поставленных задач важную роль сыграли грантовые проекты. Так, по специальному проекту совместно с ПРООН проведены тренинги на базе РПАЦ по использованию телемедицинской системы макро- и микроскопии, а также повышению навыков использования ИКТ и Интернета в регионах. Изданы методические рекомендации по работе с телемедицинской системой макро и микроскопии, буклет "Телемедицинская система макро- и микроскопии". Проект расширил веб-сайт по телемедицине, созданный в 2006 году. Создана база данных для архивирования биопсийных случаев пациентов, которая может быть использована для дистанционного обучения студентов и молодых специалистов.

Хотелось бы отметить, что для широкого внедрения ТСММ в патологоанатомическую службу необходимо было поднять компьютерную грамотность врачей-патологоанатомов и обучить их работе ТСММ. На это были направлены тренинги с врачами-патологоанатомами всех областных бюро и межрайонных патологоанатомических отделений лечебно-профилактических учреждений, которые, начиная с 2006 года, ежегодно стали проводиться на базе РПАЦ.

Важнейшую роль в оказании медицинской помощи населению играет прижизненная (биопсийная) диагностика различных заболеваний, в том числе опухолевых. Учитывая это, РПАЦ совместно с Институтом электроники Академии наук республики разработал новый метод экспресс-диагностики рака шейки матки, молочной железы и других органов на ранних стадиях развития. Для этого используется цитологический метод отражательной оптической микроскопии с помощью инвертированного металлографического микроскопа.

Изучение химического состава и механизма образования дисперсных светящихся частиц даст возможность разработать превентивные меры. А раннее обнаружение опухоли является залогом успешного лечения этого весьма опасного заболевания.

Последние годы ознаменовались большими достижениями в области генетики, полученными в основном молекулярно-генетическими методами. Многое стало понятным и в механизме малигнизации клеток, и в формировании опухолевого очага. Еще недавно опухоль можно было диагностировать лишь на финишной прямой, после прорастания ее сосудами. Выявить опухоль размером 2-3 мм, особенно, если она находилась в висцеральных органах, представлялось невозможным. Теперь же на помощь врачам пришли сверхчувствительные молекулярно-генетические методы, позволяющие определять очень малое число измененных (мутантных) участков ДНК. Это стало возможным после разработки полимеразной цепной реакции, которая только начинает внедряться в практику США и отдельных стран Европы.

В нашем центре организована лаборатория молекулярной генетики, которая оснащена соответствующей аппаратурой, подготовлен специалист и начато внедрение генной диагностики рака толстой кишки (семейный полипоз толстого кишечника). Таким образом, внедрение генной диагностики в Узбекистане не за горами.

**(Окончание на 8-й стр.)**

*Шаги реформ*

# НОВЫЙ ЭТАП РАЗВИТИЯ ПАТОЛОГОАНАТОМИИ УЗБЕКИСТАНА

Группой научных сотрудников РПАЦ в рамках проекта "Исследование роли молекулярно-генетических нарушений гена АРС в развитии семейного аденоматозного полипоза толстого кишечника в популяции Узбекистана" проведено исследование, отражающее детальную характеристику максимально полного спектра возможных генетических изменений в гене АРС. Впервые определены отличительные особенности спектра мутаций в гене АРС при наследственном раке толстой кишки. Изучены характеристики мутаций при предраковом синдроме – семейном аденоматозном полипозе. Выявлены структурные особенности новых, ранее не описанных в мире мутаций в гене АРС. Проведен анализ корреляции и отличительных особенностей спектра мутаций в гене АРС при наследственном раке толстой кишки. Изучены характеристики мутаций при предраковом синдроме – семейном аденоматозном полипозе. Анализ корреляции выявленных вариаций с морфологическими характеристиками исследованных больных показал, что все идентифицированные мутации сыграли критическую роль в развитии рака толстой кишки.

Полученные данные открывают новые возможности для разработки диагностических протоколов, направленных на профилактику рака различного генеза.

Вот таким образом, внедряя современные технологии, расширяется потенциал нашей патологоанатомии, поднимается еще на более высокий уровень ее научная и практическая база.

Конечно же, все это невозможно было бы без усилий высококвалифицированных научных кадров и практиков своего дела. Тем не менее время не стоит на месте. Безусловно, в дальнейшем развитии патологоанатомии страны большие надежды мы возлагаем на молодых специалистов – активных, стремящихся к постижению знаний и достижению новых высот через нелегкие тернии. Мое пожелание молодым – пусть всегда и во всем им сопутствует успех.

**Всеволод ЦИНЗЕРЛИНГ, профессор медицинского факультета Санкт-Петербургского университета:**

– Во-первых, хочу подчеркнуть, что организация тематического съезда – работа не из легких, требует долгой подготовки. Подобные форумы, хотя и республиканского масштаба, традиционно открыты для специалистов и из других стран. На съезд приглашение получили десятки ведущих ученых из России, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, других стран. И я рад, что наши коллеги из Узбекистана добились цели.

Тематика нынешнего съезда патологоанатомов Узбекистана разнообразна и каждое выступление, я уверен, было актуальным прежде всего для нас, кто представлял ближайшие страны. Почему я делаю на это упор? Было время, когда мы отошли друг от друга и в поиске диалога, который необходим, в частности, и в нашей сфере, мы стали "увлекаться" Европой... Благо, сегодня все нормализовалось.

Не многие страны СНГ могут похвалиться достижениями в патологоанатомии. Съезд для того и созывается, чтобы мы могли обмениваться друг с другом опытом, исследованиями, проектами, реализация которых нуждается в широком участии специалистов.

Внимательно слушая на съезде выступления коллег из Узбекистана, Казахстана, других стран, я вновь убедился, что у нас есть общие проблемы, значит, их мы можем решить только общими усилиями.

Я не первый раз в Узбекистане. Ваши специалисты должны гордиться тем, что в республике есть координационный центр патологоанатомии, оснащенный всем необходимым оборудованием. И то, что внедрению в сферу патологоанатомии ультрасовременных технологий уделяется особое внимание непосредственно со стороны руководства страны и правительства, реализуются на этот счет ближайшие и долгосрочные программы, – это огромное достижение. Лишь на первый взгляд телемедицина кажется обычным явлением сегодняшнего времени. Однако не во всех странах это является действительностью. Узбекистан одним из первых осуществил такой проект, требующий огромных затрат. Сегодня даже в отдаленных уголках вашей республики есть возможность диалога специалиста с центром. Это ускоряет не только время. Прежде всего это положительно сказывается на определении диагноза с максимальной точностью.

Считаю, что развитие патологоанатомии во многом зависит от укрепления материально-технической базы. Как фундаментальная медико-биологическая дисциплина эта сфера нуждается в постоянном совершенствовании, а внедрение современных технологий требует больших финансовых затрат. Единственный путь решения столь актуального для всех нас вопроса – это крупные международные гранты на уровне не одного, а сразу нескольких регионов и стран.

Развитие медицины в Узбекистане наглядно. И тому прежде всего способствует огромная забота государства, выделение немалых бюджетных средств на развитие этой особой социальной сферы. В нынешний свой приезд в Узбекистан я с удовлетворением заметил позитивные процессы, в том числе и в области качественного повышения медицинского обслуживания. Более того, у вас есть реальные возможности для дальнейшего развития очень многих социальных сфер.

Специалисты-патологоанатомы Узбекистана очень грамотные, в целом, я бы подчеркнул, у вас крепкая и на этот счет база. Знаете, я патологоанатом в третьем поколении. Дед и отец работали в этой сфере долгое время. Тем не менее своим наставником считаю также Малику Саматовну Абдуллаходжаеву, уникального человека, общение с которым дает каждому заряд энергии, массу впечатлений. Каждый раз я узнаю от нее все больше и больше о нашей работе. Все мы, ее ученики, коллеги, горды тем, что патологоанатомия в ее лице заслужила столь огромного признания. Присвоение Малике Саматовне Абдуллаходжаевой звания Героя Узбекистана это есть самая высокая оценка важности и значимости труда патологоанатома.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

**(Окончание. Начало на 7-й стр.)**

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

# ҲАРАКАТЛАРИМИЗ БИР МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига асосан 20 ноябрдан ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди.***

Республикамизда ҳар йилни ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасидаги тадбирлар билан якунлаш анъанага айланиб қолган. Сир эмаски, куз ва қиш фаслларида содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти газ иситиш печлари, турли хилдаги электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда.

Айниқса ёнғинлар қировли кунларнинг бошланиши билан фуқаролар қўлбола, носоз ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ишлатишга мутлақо яроқсиз бўлган иситиш мосламаларидан фойдаланиши натижасида кескин кўпайиши кузатилиб, инсонлар ҳаётига жиддий хавф солмоқда.



Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёнғин ўз-ўзидан эмас, балки инсонларнинг лоқайдлиги, беparволиги, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги, болаларнинг назоратсиз қолиб, олов билан ўйнаши натижасида юз бераётир. Шунинг учун ҳам ёнғин хавфсизлиги ойлиги тадбирларида Мирobод тумани ИИБ ЁХБ ходимлари аҳоли орасида кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтирмоқда. Чунончи, доимий равишда тураржойларда, хонадонларда бўлиб, ёнғинларни келтириб чиқарадиган ҳолатларни аниқлашга, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга, шу қаторда йўл қўйилган нотўғри хатти-ҳаракатлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Тадбирлар давомида тарғибот ишларини янада кучайтиришга, бу борада оммавий ахборот воситалари, меҳнат жамоалари, маҳалла фаоллари, бевосита аҳолининг кенг қатламини кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилинади. Зеро эслатиб ўтиш жоизки, ёнғиннинг олдини олиш фақат шу соҳа вакилларининг эмас, балки ҳаммага тааллуқли вазифадир.

Мирobод тумани ИИБ ЁХБ томонидан ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида амалга ошириладиган тадбирлар режаси тузилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалар, аҳоли гавжум бўлган савдо мажмуалари, истироҳат боғларида туркум учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилиши, шунингдек ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир замонавий техникалар ҳамда махсус видеолавҳалар намойиш этилиши анъанага айланган. Фурсатдан фойдаланиб, ҳамшаҳарларимизни ойлик тадбирларида фаол иштирок этишга чорлаймиз. Фаоллик эса кўплаб ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**И. МИРЗАЕВ, Мирobод тумани ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, сержант.**

*Обуна – 2013*



**Ҳурматли муштарийлар! «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 учун обуна мавсуми давом этмокда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.**

**ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти дорихонасининг №П3431-сонли лицензияси битими йўқолган деб ҳисоблансин.


Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 6209 нусха. Буюртма Г-1245.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5